

Салавот айтишда ўнта каромат бор



17:00 / 16.12.2021 2790

Аллоҳ сизларни раҳм қилсин, шуни билингни, саййидимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишда ўнта каромат бордир. Улар:

1. Маликул Жаббор – Аллоҳнинг саловот айтиши.
2. Набиййул мухтор – Пайғамбаримизнинг шафоат қилишлари.
3. Малоикатул аброр – фаришталарга эргашиш борлиги.
4. Мунофиқ ва кофирларга муҳолиф бўлиш, уларга зид келиш.
5. Хато ва гуноҳларнинг маҳв бўлиши, ювилиши.
6. Ҳожат ва эҳтиёжларни раво бўлиши.
7. Зоҳирий ҳолат ва сиру асрорларни нурланиб, ёришиши.
8. Жаҳаннамдан нажот топиш.
9. Роҳат ва қарор топиш ҳовлиси – жаннатга кириш.
10. Моликул Ғаффор зот – Аллоҳнинг саломига мушарраф бўлиш бор эканидир.

Ибн Жавзий раҳимаҳуллоҳнинг «Бўстонул воизийн» асаридан.

Манба: arabic.uz